


“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Фарғона вилояти ҳокимининг
Жамоатчилик назорати
Кенгаши раиси


Х.О.Комилов/
10.01.2023 йил

**Фарғона вилояти ҳокимлиги хузуридаги Жамоатчилик Кенгашининг
2023 йил режаларини ишлаб чиқиш ва ўз фаолиятини режалаштириш
бўйича йиғилиши
БАЁННОМАСИ**

Фарғона шаҳри

2023 йил 10 январ

Раислик қилди: **Х.О.Комилов** – Фарғона вилояти ҳокимлиги хузуридаги жамоатчилик Кенгаши раиси.
З.Рахмонов – Жамоатчилик Кенгаши раиси ўринбосари. Маҳалла ва Нурунийлар бошқармаси бошлиқ ўринбосари.

Иштирок этдилар: Фарғона вилояти ҳокимлиги хузуридаги жамоатчилик Кенгаши (20 нафар) вилоят ҳокимлиги фаоллари (*рўйхат илова этилади*).

КУН ТАРТИБИ:

1. Фарғона вилояти ҳокимлиги хузуридаги Жамоатчилик Кенгашининг 2023 йил режасини ишлаб чиқиш ва ЖК вакиллари ўртасида муҳокама қилиш.
2. Ишлаб чиқилган ва тасдиқланган режа асосида туман ва шаҳарларда амалга оширилиши лозим бўлган ишларни назоратга олиш механизминини ишлаб чиқиш.
3. Режага киритилган давлат дастурига киритилган лойиҳаларни ижроси юзасидан Жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларни келишиб олиш.
4. Жамоатчилик Кенгаши ҳамда унинг мақсад-вазифалари ҳақида аҳоли ва кенг жамоатчиликни хабардор этиш мақсадида матбуот ва маҳаллий телеканаллари орқали чиқишлар (давра суҳбати, интервью, мақолалар) доимий ташкил этиб бориш.

Х.О.Комилов – Фарғона вилояти ҳокимлиги хузуридаги жамоатчилик Кенгаши раиси.

Йиғилиш раиси Х.О.Комилов йиғилиш қатнашчиларига кун тартибидagi масалалар билан таништирди.

Раис ўз маърузасида 2023 йилнинг 1-ярим йил давомида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва аниқ ражалар асосида чора-тадбир режасини ишлаб чиқиш бош мақсад қилиб олинди. Раис ўз сўзи давомида 2022 йил давомида амалга оширилган ишлар айниқса аҳоли ўртасидаги кенг қамровли ишлар ва уларнинг натижаларига алоҳида тўхталди. 2023 йилнинг юртимизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим” йили деб номланиши албатта биз жамоатчилик учун ҳам кўплаб вазифаларни белгилаб берди. Албатта вилоятимизда инсонга эътибор ва таълим соҳасидаги ислохотларни олиб борилишида биз ЖК аъзолари ҳам меҳнатимиз билим ва салоҳиятимиз билан амалий ёрдамлар бериб борамиз деган фикрларни айтиб ўтди. Раис ўз сўзида ишлаб чиқилган Чора-тадбир режасини аниқ мақсадларга йўналтирган ҳолда ишлаб чиқиш ва режани ижросида мутасадди ташкилотларни амалга ошириладиган ишларини доимий назоратга олиш талаб этилишини таъкидлаб ўтди.

Режа асосида назоратга олинган ҳар бир иш ва унинг ўрганилиши ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан керакли ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик тизимини ишлаб чиқиш ҳам таъкидлаб ўтилди.

Танқидий руҳда ўрганилган жараёнларни ОАВларида кенг тарғиб этиш ва доимий ёритиб бориш алоҳида назорага олинishi келишиб олинди.

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2023 йилнинг 1-ярим йил давомида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва аниқ ражалар асосида чора-тадбир режасини ишлаб чиқилсин.
2. Ишлаб чиқилиб тасдиқланган Чора-тадбир режаси ва унинг ижроси юзасидан аниқ механизми ишлаб чиқилсин.

3. 2023 йилнинг юртимизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим” йили давлат дастурига киритилган лойиҳаларнинг вилоятимиздаги ижроси юзасидан доимий назоратни ўрнатиш.

4. Танқидий руҳда ўрганилган жараёнларни ОАВларида кенг тарғиб этиш ва доимий ёритиб борилинсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Кенгаши раисининг ўринбосари З.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш раиси Х.О.Комилов кун тартибидagi барча масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинганлиги ҳамда йиғилиш иштирокчилари ва фаолларига учун миннатдорлик билдирди, мажлис ўз ишини якунлади деб эълон қилди.

Йиғилиш котиби



Х.Рахмонов